

## Қуролни қўйдингми, эй Аллоҳнинг Расули?



17:10 / 28.08.2019 3316

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Агар қўлингдан келса, сен ҳеч ҳам бозорга энг аввал кирувчи бўлма ва ундан энг охирги чиқувчи ҳам бўлма. Чунки бу шайтоннинг жанг майдонидир ва унга байроғини тикади», деди. Салмон (яна) деди:

«Менга хабар берилишича, Жаброил алайҳиссалом Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келибди. У зотнинг ҳузурларида Умму Салама бор экан. У (Жибрийл) гаплашиб бўлиб, ўрнидан турибди. Аллоҳнинг Набийси Умму Саламага:

«Бу ким?» дебдилар ёки шунга ўхшаш гап айтибдилар.

«Диҳятул Калбий», дебди Умму Салама.

Кейинчалик у киши:

«Аллоҳга қасамки, ўшанда мен уни ўша деб ўйлабман. Фақат Аллоҳнинг Набийси хутбада хабаримизни берганларидан кейингина билдим», деди.

Абу Усмонга:

«Буни кимдан эшитдинг?» дедим (деди ровийлардан бири Сулаймон ибн Торхан).

«Усома ибн Зайддан», деди».

Муслим ривоят қилган.

الْوَعْدُ طَبْتُ سَأَلْتُ قَوْلَ لُحْدَيْ نَمَلٍ وَأَنَّ وَكَتَّالَ لِقَائِهِ نَعُهُ لَلِأَيُّضَ رَأَى لَسَّ نَعُ -  
نَأْمَلَسَ لِقَائِهِ تَيَّارُ بِيصْنِي أَوْ بَوَّءَ نَأَطِيَّ شَلَاةَ كَرَمِ أَعْنِافٍ، أَوْ نَمُجُّ حَيِّ نَمَرِخَ  
عَمَلَسَ مُؤَدِّعًا وَمَلَسُوهُ لَعَلَّ لِي صَدَّ لَلِأَيُّبِ نَعْتِ أَلِي رِبِّجَّ نَأْتِيَّ بِنُؤُ  
أَدَّه؟ تَلَقَّ لِقَائِهِ أَمَّكَ وَأَدَّه؟ نَمَلَسَ لِقَائِهِ لَلِأَيُّبِ نَعْتِ أَلِي رِبِّجَّ نَأْتِيَّ بِنُؤُ  
لَلِأَيُّبِ نَعْتِ أَلِي رِبِّجَّ نَأْتِيَّ بِنُؤُ لِقَائِهِ لَلِأَيُّبِ نَعْتِ أَلِي رِبِّجَّ نَأْتِيَّ بِنُؤُ  
تَعَمَّسَ نَمَلَسَ لِقَائِهِ لَلِأَيُّبِ نَعْتِ أَلِي رِبِّجَّ نَأْتِيَّ بِنُؤُ لِقَائِهِ لَلِأَيُّبِ نَعْتِ أَلِي رِبِّجَّ نَأْتِيَّ بِنُؤُ

Бу ҳадиси шарифда баён қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама онамиз билан ўтирганларида Жаброил алайҳиссалом саҳоба Диҳятул Калбий розияллоҳу анҳунинг кўринишларида келганлар. У зот билан бир муддат гаплашиб ўтириб, сўнгра туриб кетганлар. Жаброил алайҳиссалом туриб кетганларидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама онамизга у кишининг ҳақиқатларини билдириб қўйиш учун:

«Бу ким?» дебдилар.

«Диҳятул Калбий», дебдилар Умму Салама онамиз. Чунки у киши Диҳятул Калбийнинг суратидаги зот Жаброил алайҳиссалом эканларидан мутлақо беҳабар бўлганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўша вақтда «Йўқ, бу Диҳятул Калбий эмас, Жаброил», деб ўтирмаганлар. Кейинроқ у зот бу ҳақда ўз хутбаларида одамларга гапириб берганларида Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳо ўзларининг Диҳятул Калбий суратида Жаброил алайҳиссаломни кўрганларини англаб қолганлар.

Жаброил алайҳиссаломни Диҳятул Калбийнинг суратида бўлса ҳам, кўриш  
Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа жуда ҳам оз сонли  
кишиларга насиб бўлган. Ана шу оз сонли кишилардан бири Умму Салама  
онамиздир. Албатта, бу нарса у киши учун улуғ бир фазлдир.

*(Тамом)*

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**